

ПРЕСС РЕЛИЗ.

“Бели оғримаганнинг нон ейишини кўр”!

Халқимиз “Бели оғримаганнинг нон ейишини кўр” деб топиб айтишган.

Бу нақл Бешариқ тумани, Файзиобод маҳалла, Равнақ кўча, 1-йида яшовчи фуқаро С.О.га тегишли десак муболаға бўлмайди. Чунки, 2018 йил февраль ойида яшаш манзилида миллий ширинликлар ва пишириқлар ишлаб чиқаришни йўлга кўйиш билан бир қаторда уйи том қисмидан яширин равишда электр тармоғига уланиб олиб шу вақтга қадар “беминнат” ишлатиб келган.

Электр энергияси “беминнат” бўлгач, “текин бўлса ётиб ейди” деганларидек уйидаги катта қувватдаги аристон сув иситиш мосламаси, электр плита, электр пеҷ, музлатгич, торт пишириш дастгохини ноқонуний электр тармоғига улаб олиб давлат манфаатларига жами 22 млн. 579 минг сўмлик заарар етказган.

Фуқаро С.О. ўз хатти-ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 185²-моддасида кўзда тутилган жиноятни содир этган бўлсада, бироқ қонун талаби бўйича бир ойлик муддат давомида заарни қоплаган тақдирда жиноий жавобгарликка тортилмаслиги унга тушунтирилганида жиноят оқибатида етказилган заарни тўлиқ қоплади.

Шунга кўра, С.О.га нисбатан тўпланган ҳужжатлар юзасидан айблилик масаласини ҳал қилмасдан туриб жиноят иши қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинди ва жиноий жавобгарликка тортилмайдиган бўлди.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги
Мажбурий ижро бюроси Бешариқ туман бўлими**